

---

## Каримобод қишлоғида янги “Зиё маскани” иш бошлади

Ўзбекистон туманининг Каримобод қишлоғида замонавий “Зиё маскани” китоб дўкони қуриб битказилиб, ишга туширилди.

Худуддаги ибратли ва фаол оила - Эргашевлар оиласи томонидан қўл урилган ушбу эзгу ташаббусдан ёшу-қари бирдек миннатдор.



- Иш бошида “Зиё” нашриёти билан шартномалар тузиб, мингдан зиёд болалар адабиёти, бадий, илмий-оммабоп, чет тилларидаги қўлланма ва адабиётлар ҳамда бошқа соҳаларга оид китобларни келтирдик. Китоб фондиди янада кенгайтириб, нафақат Каримободликлар, балки қўшни қишлоқлик тумандошларимиз, ёш авлод набираларимизни китобга янада яқин дўст бўлишларини мақсад қилганмиз, - дейди оила боши Розикжон хожи Эргашев.



Ушбу илм маконининг очилиш маросимида туман ҳокими Шерзоджон Юлдашев, қишлоқ аҳли ва ёшлар вакиллари иштирок этишди.

**Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати**

2021-04-15 16:00:32